

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОТА - СИНГИЛДАР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ИЙЛ
ЧИҚИШИ

№ 48 (4764).

8
МАРТ

ПАЙШАНБА

1973 ИЙЛ

Баҳоси 2 тийин.

БУГУН ХАЛҚАРО ХОТИН- ҚИЗЛАР КУНИ—8 МАРТ.

Коммунизмнинг актив
қурувчилари-совет хотин-
қизларига шон-шарафлар!



○ БУ ерда ҳаммиса баҳор. Қаҳратон қишнинг совуқ кунларида ҳам гуллар очилиб, донлар мардондек тизилиб туради. Теплицаларда бодрий, помидорлар фарғи пишганлигининг гувоҳи бўласиз. Уларнинг иккидорлари ана шу расмда сиз кўриб турган Оржоникидзе районидаги Ленин номи колхозининг дилбар, меҳнатсевар қизларидир. Суратда: (чапдан) Раъно Аликулова, Адиба Гофурова, Аҳида Абдурахмонова, Уғилрой Норбоевлар. А. АБАЛИН фотоси.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА!

Азиз совет хотин-қизлари!
Социалистик Ватанимизнинг шонли қиз-
лари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси
Марказий Комитети сизларни халқаро хотин-
қизлар куни—8 Март билан — бутун дунё
меҳнаткаш хотин-қизларининг бирлик ва бир-
дамлик байрами билан чин қўнғидан қў-
лайди.

Мамлакатимизда бу баҳор байрами чина-
кам умумхалқ байрами бўлиб қолди. Бугун
бу байрамни Совет Социалистик Республика-
лари Иттифоқи ярим асрлик юбилейининг ну-
ри ёритиб турибди.

Совет хотин-қизлари кўп миллатли соци-
алистик давлатни ривожлантириш ва мустақ-
камлашга, СССР халқларининг бўзиммас
дўстлигига катта ҳисса қўшдилар. Улар ўзла-
рининг оталари, эрлари, ака-укалари билан
бирга улар Совет давлатини қурдилар, уни
душманлардан қаҳрамонларча ҳимоя қилди-
лар, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашини, ҳар
томонлама тараққиётини таъминладилар.
Уларнинг номлари социалистик Ватани-
мизнинг шонли йиғинасига олтин ҳарфлар
билан ёзилган. Ҳозирги кунда ҳам совет хо-
тин-қизлари эркаклар билан бир сафда туриб
коммунизмнинг улғувор биносини қурмоқда-
лар. Ер юзиде энг адолатли, энг инсонпарвар
жамият барпо қилмоқдалар.

Социализм шароитида, Совет республика-
ларининг қардош оиласида барча миллат хо-
тин-қизларининг аҳволи тузатилаётганда.
Уларнинг Чинкам эркин ва тенг ҳуқуқли бў-
лган совет хотин-қизлари ўзларининг аjoyиб
талантлари ва қобилиятларини кенг қўладан
намойи қилмоқдалар. Экономика, фан, мада-
ният ва иқтисодий фаолиятнинг ҳеч бир со-
ҳаси йўқки, унда хотин-қизлар жуда катта
роль ўйнамаган бўлсинлар, фабрикалар ва
заводларда, колхозлар ва илмий лаборато-
рияларда, мактаблар ва касалхоналарда, дав-
лат муассасаларида ва аҳолига хизмат қурса-
тиш соҳасида — ҳамма жойда хотин-қизлар-
нинг меҳрибон қўли, ўткир зехни, омилидо-
рини, кўнгил ҳарорати керак. Ватан ўз қиз-
ларининг коммунистик қурилишдаги хизмат-
ларини юксак даражада қадрига етказиб ва му-
носиб равишда тақдирламоқда.

Партия XXIV съездининг, КПСС Мар-
-

казий Комитети декабрь Пленумининг қарорла-
ридан, КПСС Марказий Комитетининг Бош
секретари Л. И. Брежневнинг «Совет Соци-
алистик Республикалари Иттифоқининг эллик
йиллиги тўғрисидаги» докладыдан келиб чиқа-
ётган вазифаларини амалга ошириш устида ҳо-
дир совет халқи зўр завқ-шавқ билан меҳнат
қилмоқда. Бутун мамлакатда социалистик
мусобақа тулқини кучайиб бормоқда. Беш
йиллик учинчи, ҳал қилувчи йилнинг «кам
ҳарж билан кўпроқ, яхши сифатли маҳсулот
берайлик» деган жанговар шiori миллион-
ларининг шiori бўлиб қолди. Ҳеч шубҳа йўқ-
ки, иқтисодий ишлаб чиқаришнинг самарадор-
лигини бутун чоралар билан ошириш учун
ажаб олдириб юборилган курашда совет хо-
тин-қизлари юксак даражада унумли, ик-
кидий меҳнат қилиш, қаттиқ иқтисод қилиш ва
тежамкор бўлиш намуналарини кўрсатадилар.

Бугун биз оналарга зўр ҳурмат билан му-
носабат қилаётимиз. Ёш авлодининг биринчи
насиҳатгўйлари бўлган оналар болаларни юк-
сак иқтисодий идеаллар ва ахлоқий фазилат-
лар соҳиб қилиб тарбияламоқдалар, соци-
алистик Ватанимизнинг оғли, меҳнатсевар, муно-
сиб гражданини қилиб ўстирмоқдалар.

Партия ва ҳукумат халқ фаровонлигини
ошириш тўғрисида, совет хотин-қизлари ўзла-
рининг ўсиб бораётган маданий ва маънавий
талабларини тулиқроқ қондира оладиган бў-
лишлари, ўзларининг оналик бурчларини
амалга ошироқ учун тобора кўпроқ қўлай
шарт-шароитга эга бўлишлари тўғрисида ҳар
доним тамхўрлик қилмоқдалар. Ҳар йили
миллион-миллион йилги квартиралар фой-
даланишга топширилмоқда, болалар муассаса-
лари кўпайтирилмоқда, рўзгор ишчи енгил-
лаштирадиган маншй хизмат кўрсатиш кор-
хоналари ривожлантирилмоқда. Хотин-қизлар
нинг меҳнати ва турмушини яхшилаш бора-
сида партия XXIV съезди белгилаб берган чо-
ралар муттасил бажарилмоқда.

КПСС Марказий Комитети мамнуният би-
лан шунин қайд қиладики, мамлакатимизнинг

хотин-қизлари Совет давлатининг легиона-
ташқи сиёсатини — тинчлик ва халқлар ўр-
тасида дўстлик сиёсатини яқдиллик билан
қўллаб-қувватламоқдалар. Улар Ҳинди-Хитой
халқларининг қаҳрамонона кураши билан
бирдам бўлиб, Яқин Шарқдаги империалист-
тик агрессияга қарши, халқаро кескинлик-
нинг барча манбаларини тутатиш учун омма-
вий ҳаракатда қатнашиб, Ер юзиде тинчлик-
ни мустақамлашга актив қўмаклашмоқда-
лар. Интернационализм принципларида содиқ
бўлиб қолаётган совет хотин-қизлари буюк
эркинлик идеалларини ва чинакам демократ-
ия, миллий мустақиллик ҳамда социализмни
барқарор қилиш ниятида социалистик мамла-
катлардаги ўзларининг дўгоналари билан,
бутун планетадаги меҳнаткаш хотин-қизлар
билан алоқаларини кенгайтирмоқдалар.

СССР Олий Совети Президиуми совет хо-
тин-қизларининг СССРда коммунистик қури-
лиш соҳасидаги буюк хизматларини нишон-
лаб ва совет хотин-қизлар Комитетининг
халқаро хотин-қизлар ҳаракатидаги самара-
ли фаолиятини, совет халқини чет мамлакат-
ли халқлар билан дўстлигини ривожлан-
тиришга ва мустақамлашга қўшган катта
ҳиссасини тақдирлаб, Совет хотин-қизлар
комитетини Халқлар дўстлиги ордени билан
мунофотлади.

КПСС Марказий Комитети Ватанимиз ма-
на шу юксак мунофот билан сиз — совет хо-
тин-қизларини қизгин қўлайди.

Азиз хотин-қизлари! Ватанимизнинг тоғмас
меҳнаткашлари, содиқ қизлари! Мана шу
тантанали кунда КПСС Марказий Комитети
сизларга «Сўхат-саломатлик, битмас-туғанмас
гайрат ва бардамлик, меҳнатда ва болаларни
тарбиялашда янги муваффақиятлар, оилавий
қувонч, зўр бахт-саодат тизили.

Отапини ватанпарварлар, коммунизм бунёд-
корлари бўлган совет хотин-қизларига шон-
шарафлар!

Яшасин бутун дунё меҳнаткаш хотин-қиз-
лари!

Яшасин улуг социалистик Ватанимиз!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗНИЙ КОМИТЕТИ

Жаҳон тараққиёпларар жамоат-
чилиги халқаро хотин-қизлар ку-
ни, бутун дунё хотин-қизларини-
нинг ўз ҳуқуқлари учун кураш-
даги бирдамлик куни — 8 Март-
ни 63-мартга нишонламоқда.

Бизнинг мамлакатимизда бу
сафарги халқаро хотин-қизлар ку-
ни Совет Социалистик Республи-
налари Иттифоқининг ярим аср-
лик юбилейи нури билан чаргон
бўлиб турибди. Бу байрам партия
XXIV съезди қарорларини амалга
ошириш учун, КПСС Марказий
Комитети 1972 йил декабрь Пле-
нумида ва КПСС Марказий Коми-
тетининг Бош секретари ўртоқ
Л. И. Брежневнинг Кремлдаги
нўшма тантанали мажлисидаги до-
кладыда ўртага қўйилган вазифа-
ларни бажариш учун бошланган
курашда совет халқининг меҳнат
гайрати ва сиёсий активлиги то-
бора юш ўраётган вазиятда ни-
шонланмоқда.

Дунёда биринчи социализм мам-
лакатининг ҳамма зафарларида
совет хотин-қизларининг роли буюк.
Улар халқаро майдонда тинч-
лик, дўстлик, бирдамлик ва ҳам-
корлиқни мустақамлаш учун актив
курашмоқдалар. Совет хотин-қиз-

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ ҒАМХЎРЛИГИДАН ИЛҲОМЛАНИБ

лар Койитети Халқлар дўстлиги
ордени билан мунофотланганли-
ги хотин-қизларнинг коммунистик
қурилишдаги, халқлар ўртаси-
да тинчлик ва дўстлигини мустақ-
камлашдаги ролига юнсан баҳо
берилганлигининг далилидир.
Партия билан давлатнинг бу юн-
сан мунофоти Советлар мамла-
катининг қизларини улуг Вата-
нимиз манфаатлари йўлидаги ян-
ги-янги шижоатларга руҳлантири-
моқда.

Байрам арафаси — 7 март кунин
ССР Иттифоқи Катта театрида
халқаро хотин-қизлар кунига ба-
ғишланиб партия, совет ва жа-
моат ташкилотлари вакиллари-
нинг тантанали йиғилиши бўлиб
ўтди.

Мамлис аҳли Л. И. БРЕЖНЕВ,

Г. И. ВОРОНОВ, А. П. КИРИЛЕН-
КО, Ф. Д. КУЛАКОВ, К. Т. МА-
ЗУРОВ, Д. С. ПОЛЯНСКИЙ, А. Н.
ШЕЛЕПИН, Ю. Г. АНДРОПОВ,
П. Н. ДЕМИЧЕВ, Б. Н. ПОНОМА-
РЕВ, М. С. СОЛОМЕНЦЕВ,
В. И. ДОЛГИХ, И. В. КАПИ-
ТОНОВ, К. Ф. КАТУШЕВ ўр-
тоқларни қизгин, дэвомли қар-
санлар билан кутиб олдилар.

Йиғилишнинг КПСС Москва шаҳар
номитетининг секретари Р. Ф. ДЕ-
МЕНТЬЕВА очди.

Тантанали йиғилиш қатнашчи-
лари баланд руҳ билан КПСС
Марказий Комитети, СССР Олий
Совети Президиуми, СССР Мин-
истрлар Советига табринома
қабул қилдилар.

(ТАСС).

БАХТ-САОДАТ ЁР БЎЛСИН!

Бутун дунё меҳнаткаш хотин-
қизлари бирлиги ва интернаци-
онал бирдамлигининг рамзи
бўлган аjoyиб баҳор байрамини
бутун мамлакат билан бирга
Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам
шоду-хушрамли билан нишон-
ламоқдалар.

Республика пойтахтидаги
корхона ва қурилишларнинг
меҳнаткашлари партия, совет,
жамоат ташкилотларининг ва-
киллари 7 мартда, Халқаро хо-
тин-қизлар куни арафасида бай-
рамга бағишланган тантанали
Йиғилишда қатнашмоқ учун
А. Навоий номи театрга кел-
дилар.

Мажлис аҳлининг гудурдо
қарсақлари остида КПСС ле-
нинчи Марказий Комитетининг
Сиёсий Бюроси яқдиллик билан

тантанали йиғилишнинг фахрий
президиумига сайлабди.

Тошкент шаҳар иқроия ко-
митети раисининг ўринбосари
Х. Я. Ёқубжонов, ҳаро немас-
тининг қомандирин, Социалистик
Меҳнат Қаҳрамони В. А. Дро-
нов, Ўзбекистон ССР Фанлар
академиясининг вице-президенти
С. Х. Сирожидинов, «Таш-
селимаш» заводининг ишчиси,
партия XXIV съездининг деле-
гати Б. В. Ёфремов, Тошкент
билан мусобақадор Олмаота
шаҳрининг вакили, Қозғистон
пойтахти Фрунзе район партия
комитетининг биринчи секретари
Л. Л. Крашенинкова, Туркис-
тон Ҳарбий Округи сиёсий бош-
қармаси бошлигининг ўринбосари
полковник Н. С. Злобин, гене-

рал-майор М. Х. Галиулдин, Тош-
кент Давлат университетининг
аълои студенти С. Музаффа-
рова шонли меҳнаткаш хотин-
қизларини байрам билан қўтла-
дилар. Улар совет хотин-қиз-
ларига Батан бахт-саодати йў-
лидаги меҳнатларида янги-янги
муваффақиятлар тиладилар.

Тантанали йиғилишда КПСС
Марказий Комитети Сиёсий
Бюроси аълолигига кандидат,
Ўзбекистон Компартияси Мар-
казий Комитетининг биринчи
секретари Ш. Р. Рашидов, Ўз-
бекистон Компартияси Марка-
зий Комитети Бюросининг
аълолари ва аълолиқа канди-
датлари П. Г. Анисимкин,
С. Е. Белогожко, В. Г. Ломо-
носов, Н. М. Матчонов, М. М.
Мусахоннов, Т. Н. Осетров,
Н. Ж. Худойбердиев, Н. Мах-
мудов, С. У. Султонова қатнаш-
дилар.

(ЎЗАТ).

